

ЖАШЛИК СЎЗИ




1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

2 АПРЕЛЬ ШАНБА № 65 (813) Сотувда эркин нархда. 1994 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кеча Америка Қўшма Штатлари сенатининг халқаро алоқалар комитети раиси, сенатор Клейборн Пеллини қабул қилди



СУРАТДА: қабул пайти. Р. ШАГАЕВ тасвири.

Ислам Каримов меҳмонга мамлакатимизда янгиликларни жараёнининг бориши, боқимча-боқимча амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг дастлабки натижалари ва келгуси режалар ҳақида сўзлаб берди. Президент Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг муайян бир изга тушаётганини алоҳида қайд этди.

Сенатор Клейборн Пелл самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Президентнинг Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий ислохотлар тўғрисидаги фикрларини бағоят қизиқиб ва мамнуният билан тинглаганини айтиб, сафардан асосий мақсади ҳам республикада бозор иқтисодиётига ўтиш ва мулкни хусусийлаштириш жараёни билан яқиндан танишиш эканини эътироф этди. Меҳмон Ўзбекистонга сафарининг кўнгилли ўтаётганини таъкидлади.

Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов билан учрашди. Сўхбат чоғида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, парламентларо таъриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди. Жаноб Клейборн Пелл Тошкентда Америка Қўшма Штатларининг бизнес ва маданият марказини ташкил этиш таклифини ўртага ташлади.

Шу кунги сенатор Клейборн Пелл Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Бугров, Парламент

қўмиталарининг раислари иштирок этди.

Сенатор Клейборн Пелл Ўзбекистон Республикаси Таъқиқ ишлар вазири С. Саидқосимов билан ҳам учрашди.

Учрашуларда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги факултети ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳозир бўлди.

Учрашуларда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги факултети ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳозир бўлди.

Учрашуларда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги факултети ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳозир бўлди.

Учрашуларда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги факултети ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳозир бўлди.

(ЎзА).

НАВБАТДАГИ ВАЗИФА-ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ЭТИШ

Илгари хабар қилинганидек, Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида «Иновация-94» янги техника ва илгор технология кўргазмаси ташкил этилган эди.

1 апрель кунин бу ерда кўргазма яқунлари муҳокама қилинди. Республика халқ ҳўжалиги учун нисбатан муҳим ва фойдали ишланмаларни тейроқ ишлаб чиқаришга жорий этиш муаммолари кўриб чиқилди.

Муҳим ва фойдали ишланмаларни тейроқ ишлаб чиқаришга жорий этиш муаммолари кўриб чиқилди. Муҳим ва фойдали ишланмаларни тейроқ ишлаб чиқаришга жорий этиш муаммолари кўриб чиқилди.

Муҳим ва фойдали ишланмаларни тейроқ ишлаб чиқаришга жорий этиш муаммолари кўриб чиқилди. Муҳим ва фойдали ишланмаларни тейроқ ишлаб чиқаришга жорий этиш муаммолари кўриб чиқилди.

ХАЗИНА ИЗЛОВЧИЛАР БАЙРАМИ

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасида 1 апрель кунин Ўзбекистон геологларининг касб байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилишда Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг раиси Т. Шойқубов сўзга чиқди. У мавжуд иқтисодий қийинчиликларга қарамай, ҳамдўстлик мамлакатлари геологлари алоқаларни тинглаб, узаро ҳамкорликни давом эттириш йўллари излаётганини таъкидлади.

Геология-қидирув ташкилотларининг Марказий Осиё мувофиқлаштириш кенгашининг тузилиши ана шундай ҳамкорликнинг бир қўрнинишидир.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов нутқ сўзлади.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚСОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилдилар. «ТИЛ ВИЛГАН — ЭЛ ВИЛАДИ» Тошкент шаҳар ўқитувчилар жалақасини ошириш институти ва А. Икромов тумани халқ маорифи бўлими ўтказган тадбир ана шундай ишор остида ўтди.

МАКТАБГАЧА тарбия ходимларининг «Болаларга ўзбекча сўзлашув нўтиқини ўргатишнинг фаол шакллари» мавзuida шаҳар семинари тумандаги 385-болалар боғчисида ўтказилди. Шаҳарнинг барча туманларидан вакиллар қатнашган ишбу кенгашида турли миллат фарзандларига ўзбек тилини ўргатиш борасидаги тўпланган таъриба ўрганилди. Мактабгача тарбия ходимлари ишлаб чиққан дидактик воситалар кўргазмаси намойиш этилди. Тил ўрганишининг турли муаммолари юзасидан мунозаралар бўлди.

БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАБ БИРИНЧИ даражада «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланганлар орасида Хоразм вилоят болалар шифохонасининг бўлими мудирини Лилия Цой ҳам бор. У бу юксак орденга беғор болаларнинг тейроқ соғайиши учун билими ва таърибасини амий ҳизмат қилгани бе саъовор бўлди.

СУРАТДА: Л. Цой даволаш холатида. ДАРЕ ҲАЗНИГА БАРИБИР ҚАНТАДИ АЙДАРҚУЛ қирғоқларига синай кетди.

МАРТ ойидан сув сатҳи кескин қўтарилди. У қўл атрофида жойлаган Ўшқудуқ, Шойфурқон, Боймурод, Болтабек қишлоқларига хавф туғдириди. Навоий вилоят ҳокимлигининг тейроқ комиссияси аҳволни ўрганиб, зарур тадбирлар белгилади. Ҳозир 20 га яқин қўриқлиш ташкилотлари қўлининг сув топиши эҳтимоли бўлган қисмида дамба қўриқилди. Бу жойдан бир вақтлар дарё оқиб, Мутахассислар «Қорлар» гидроэлектростанциясини тузишда тошқин бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, бу ҳўдудда уй қуриш, деҳқончилик қилиш таъқиқланганини айтишган эди. Шунга қарамай, бу ерда уйлар қад қўлдирди. Ҳозир таъқиқланган майдонда қурилган 85 та уй, 29 та отар қўчирилди.

АДИВАНИ ЭСЛАБ ҚАШҚАДАРЕДА ижодкорларнинг номи абадийлаштирилди. ҚАРШИ шаҳридаги Алишер Навоий номи 2-ўрта мактабда Ёзувчи ва журналист Хосият Лутфуллаевнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган музей очилди. Адиба яшаган уйга ёлгорлик ўрнатилди.

ЧИГИТ ЭКИШ ВОШЛАНДИ ЖАРҚУРҒОН туманидаги Тўхта Шабуров номидаги ҳўжаликда чигит экиш бошланди. Пахтакорлар бу йил 830 гектар майдонга деҳқончилик қилмаляпти. Айни вақтда 20 га сепилга далага чиқди. СУРАТДА: меҳанизаторлар Тоқтимурод Қороев ва Эшбури Қўназаровлар далада.

ОРОЛБЎНИ АҲОЛИСИГА ЕРДАМ ЎЗБЕКИСТОН халқаро экология ва селоматия жамғармаси Орлобўнидаги экология фаолақ зонасида яшовчиларга иборган инсонпарварлик ёрдами Қўрақалпоғистон Республикасига етиб келди.

ЖАМИ қиймати 500 миллион сўмдан кўпроқ юк — дори-дармонлар, бир марта ишлатилган шприцлар, дармондорили мева шартларига, болалар таомларидир. Улар биринчи навбатда Қўрақалпоғистон тиббий муассасаларига — Ёлғиз қарилар ва ногиронларга, болалар уйларига берилди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА СУТНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Омихта ем ва энергия манбалари нархларининг ўсиши муносабати билан ҳамда чорва моллари ва сўт сотиш бўйича давлат буюртмасини бажаришдан жамоа ва давлат ҳўжалиқларининг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1994 йил 1 апрелдан бошлаб чорва моллари ва сўтнинг чекланган харид нархлари иловага мувофиқ белгилансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 31 март.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА СУТ ХАРИД НАРХЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

Table with 2 columns: Product type (e.g., Beef, Milk) and Quantity (e.g., 2400, 5000). Includes a note about the date of the decision.

Асосий ёғлилик даражаси 3,6 фоз бўлган сўт 500

ВИЛДИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Давлат автономия наозрати бошқармаси шуни маълум қилдики, республикада ҳўдудда қор ва ёлғирнинг ҳўдуддан қўл ёғиши натижасида баъзи бир жойларда туяроқ, тош, қор кўчиши, сел келиши хавфи туғилиши муносабати билан тоғ ёнбағирларидаги дала ҳўвлияри ва дам олиш масканларига бориш йўллари вақтинча тўсиб қўйилди. Маълум муддат фуқароларнинг ана шу хатарли ҳисобланган жойларга чиқиши таъқиқ этилмайд.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛАМ АБДУҒОНИМИ УҒЛИ КАРИМОВГА

Бисмиллоҳир Раҳмонир Мухтарам Президент!

Биз, дин аҳиллари мустақиллик муқаддас юртимизнинг ҳар бир фуқаросига, у қайси ирқ, миллат ва туйфага мансублигидан қатъий назар, чинакам эрк берганини, барча табақадарга ватандошларимиз орзу қилган саодатли қўнларга эришганимизни рўй-рост кўриб, билиб турибмиз. Мустақиллик шарофатидан жонанон Ўзбекистонимизда равнақ ва рўшнолик дарвозалари кенг очилётганига ҳам гувоҳимиз. Юртимиздаги инноқлик, ҳам-яхилчилик, ушюқчилик вазиёти барча орзу-ниятларимизнинг ижобатидир.

Илгарини тузумга қиёслаб, биз, диндорларга ҳам ўз имон-этиқодимизга риоя этишимиз, дини ислом аънасалари ва ақидаларига содиқ қолишимиз учун кенг имкониятлар очилганини равшан кўрмоқдамиз. Буларнинг бари юртимиз тинчлиги, осойишталиги ва раванқини кўзлаб ўтказаятган сивасатингиз, сазй-ҳаракат ва йўл-йўриқларингиз туйфайлидир. Шу каби мўтабар ва олижаноб ишда, биз, дин аҳли ҳаминша эл-юрт билан биргамиз. Озод ватанинг ҳар бир соф ниёти фуқароси бутун ўз халқи ёнида бўл-

моғи, эзгу ишларига қайишмоғи, бахтли келажакни таъминлашга баҳўлиқудрат улун қўлимоғи ҳам фарз, ҳам қарв. Эеро, Ватанин севмоқ, улдуғламоқ, ардоқламоқ каби фаъилатларнинг фарғида муқаддас Ҳадиси шарифда ҳам алоҳида эирик этилган. Халқимиз эса «Виронларга яхшилик қилишнинг ундай олмасанг, лоқал ёмонликдан тийилгил» дея ўтат беради.

Минг афсус, орамизда ош берган элига тош отаётган, тузлнгига тупураётган, ошқурлар ҳам бор. Ору-умидларимиз рўёбга чиқаятган, ҳурматли юртбилдимиз ва бошқа раҳбарларимиз халқнинг хоҳиш-иродасига мос иш тутаятган бир вазиётда ҳеч ким ва ҳеч қандай куч онгимизни захарламаслиги, ҳало-лошмиизга оғу солмаслиги, танлаган йўлимиздан тойдирмаслиги даркор. Иймонингиз комил бўлсинки, биз кинга қўл берилиш лозимлигини яхши иши учун қайишганларгагина қайишади ва қўл беради. Ҳазин ҳар ишга қобилу шoir-дохийлар эса «қадрдон» элига ақалли бир туп кўчат экиб берган ёни йўлдаги ноқерак тошни четга олиб қўйганмиан?

САРАНЖОМ-САРИШТА БўЛАЙЛИК

Фарғонада вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов халқ депутатлари Вухоро вилоят кенгаши сессиясида ҳамда Тошкентда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари билан учрашуларда ўртага қўйган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими М. Исмолов шу ҳақда маъруза қилди. Маърузачи ва сўзга чиқ-

ишди. Бундай «қора» ишларнинг қўлидан келмайд.

«Эрк» дохийларидан бири Хоразмда туғилган, аммо фарзандлик бахтидан беғор қолган. Тўғри, бир-икки йил муқаддам унинг сохта ваъдаларига лақа тушганлар ҳам топилди. Комил ишюқ билан айтмазми, бугун уларнинг кўпчилиги, ҳатто яқин сафдошлари ҳам эсини йиғиб олган, ҳақиқий ниётини англаб, «дохий»дан юз

ўтирган. Бузғунчининг кирдиқорларини ким ҳам «маъқул» дейрди. Сохта ватанпарварларнинг юзюдаги никоб-ку йиртилди, бироқ сарҳадларимиз ташқарисидан иғво ва бўҳтондан иборат ёлғончи айюханнос «овоз»лари эшитилиб турибди. Эндиги вазифамиз, Ватанимизга фарзандлик бурчимиз — барча иғво-малғамлар йўлини собит туриб бекитмоқдан, бузғунчиликка чўзилган қўлларни қайириб ташламоқдан иборат.

- Хоразм вилояти дин жамоатчилиги вакиллари: Урганч шаҳридаги Охунбобо жоме масжиди имоми Мухаммадсайд ҳоки Аҳмаджон Раҳматулло Уғли
- Богот туманидаги Одиқа эшон бобо жоме масжиди имоми Юсуф Олланшукров
- Богот туманидаги Дарвеш бобо жоме масжиди имоми Комил Жуманиёзов
- Гурлан туманидаги Усмон Саид жоме масжиди имоми Исоқжон ҳоки Халилдулло Уғли
- Қўшқўпир туманидаги ҳазрат Эшон Бобо жоме масжиди имоми Шомурод Султонов
- Урганч туманидаги Шохобиддин Хўжа жоме масжиди имоми Рўзим Абдураҳмонов
- Хазорасп туманидаги Шохпир жоме масжиди имоми Бурди Хўжаниёзов
- Хонқа туманидаги Сайид Ота жоме масжиди имоми Шайхмуҳаммад Оллаёров
- Хина шаҳридаги Саидиёв шойкор жоме масжиди имоми Раҳматулло Раҳматуллаев
- Шовот туманидаги Юсуф Ҳамадоний жоме масжиди мутаваллиси Қодирберган Розоқов
- Шовот туманидаги Замашхари жоме масжиди имоми Нўрдон Розоқов
- Янгиқир туманидаги Шайх Мухтор Вали жоме масжиди имоми Камаржон Абдримов
- Янгиқир туманидаги Гойиб Ота жоме масжиди имоми Абдулла Юсуфов
- Янгибозор туманидаги Жума масжиди имоми Рўзимбой Матосупов.

лаш ҳокимлар эътиборидан четда қолмоқда. Кўпгина корхоналарда даромад-ни яшириш ҳўллари учраб турибди. Жойларда саранжом-сарийшталик етишмайди. Енилги-мойлаш маҳсулотлари ва бошқа хомашдан тежаб-тергаб фойдаланилмаляпти. Ийгилишда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Тошкент вилояти фаолларининг йиғилишида ҳам ана шу масала муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими М.

ҚОНУН—ҲАММА УЧУН МУҚАДДАС

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Қонуларнинг устиворлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибни мустаҳкамлаш бозор муносабатларига ўтаётган республикамизнинг давлат қурилиши ва иқтисодийнинг ислоҳ қилинишида муҳим қонунлардан саналади. Бундан қўнғиқ давлат барпо этиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бозор муносабатларига мос келадиган ҳуқуқий асосни шакллантириш узоқ давом этадиган жараёни. Бунинг учун, энг аввало, янги ҳуқуқий тизимни шиллаб чиқиш керак. Унинг базисини сузмас Узбекистон Республикасининг Асосий Қонуни — Конституция ташкил этади.

Ҳозиргача мамлакатимизда давлат қурилишини ислоҳ қилишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди ва кенг қўлланилмоқда. Улар ҳаёт ва амалиёт билан ҳамбарчас боғланиб кетган.

Қонунийлик — бу Ўзбекистон Республикасида барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан амалдаги қонунлар ва меъриий ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва оғишмай бажарилишидир. Унинг асосий вазифаси мамлакатимизнинг иқтисодий ва давлат тузумини мустаҳкамлаш, мулкнинг турли шакллари қўриқлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бузулган муҳозафазаси этишдан иборат. Шунинг учун ҳам қонунийлик, деганда, энг аввало, аҳолининг давлат томонидан бажарилиши талаб қилинадиган қонун-қондалар тушунилади. Ўзбекистон Республикасида барча давлат органлари, мансабдор шахслар, жамо-

ат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қиладилар. Қонунийлик ҳуқуқий тартиб билан узвий боғлиқ бўлиб, у орқали иқтисодий ҳаётни, жамоат тартибдорлигини бир қисми бўлган ҳуқуқий тартиб фақат ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилиши натижасида пайдо бўлади ва кишилар ўртасидаги турли иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий муносабатлар орқали тартибга солади. Кишилар ўртасидаги ёки фуқаролар билан давлат органлари ўртасидаги муносабатлар эса ҳуқуқий меъёрлар орқали амалга оширилади.

Қонунийлик устиворлиги ва ҳамма учун мажбурийлиги қонунийликнинг муҳим шартидир. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг барча қонунлари ва бошқа ҳуқуқий нормалари ҳамма учун муқаддас бўлиб, уларга барча кишилар бир хилда амал қилишлари керак. Ўзбеки-

стон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида бу ҳақда алоҳида таъкидланган шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Конституциясининг Конституцияси ва қонунларнинг устиворлиги сузмас тан олинади».

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қиладилар. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов Ўзбекистоннинг янги жаҳиат қурилишида, бозор иқтисодиётига ўтишда, ҳаммамизнинг қонунга амал қилишига муҳим принцип деб ҳисоблаб, шундай дейди: «Мен учун энг муҳими — қонунийликни ҳурмат қилишдир».

Қонунийлик принципи республикамиз ҳудудида қонунларнинг бир хилда қўлланилишини, ҳамма фуқароларнинг қонун олдида тенглигини ифода қилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг 18-моддасида алоҳида таъкидланган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, иқтисодий келиби чиқиши, эътиқоди, шахси ва иқтисодий маъна қандай қатъий назар қонун олдида тенглик».

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида амалдаги қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни аниқ бажариш ҳар бир давлат органи, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахс ва фуқаролар учун шартдир. Аммо, ҳаётда шундай кишилар ва раҳбарлар борки, улар ўзларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатларини қўлга олишнинг бугунги кун талабларига жавоб бера олмаслиги билан ифода қилишди. Ҳудудда маҳаллий шариот ҳисобга олилмаганининг ваз килиб кўрсатилади. Башарти, амалдаги қонунлар эскириб қолган бўлса, у белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий органи — Олий Мажлис томонидан ўзгартирилади. Мамлакатимизда қонунларни шиллаб чиқиш ва қабул қилиш кенг халқ оmmasи иштирокида, демократик асосда ўтказилади. Қонун лойиҳаси муносабати билан олиб бориладиган ишларда унга бевосита тааллуқли бўлган шахслар, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари иштирок этадилар. Қонунийлик ўз навбатида аҳолининг маданий даражаси билан ҳам узвий боғлиқ. Кишиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 14 мартда «Юридик таълимотни қайта қуриш» кечкиртириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилган. Қарорда барча ўқув юртиларида юридик таълимотни такомиллаштириш, ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган ўқув дастурларини шиллаб чиқиш ва амалда қўллаш, қўлланилмас, дарсликлар яратиш масалалари ҳамда ҳуқуқий маълумотларни кенг халқ оmmasига етказиш вазифаси қўйилган. Қонунийликни таъминлашда ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашда халқнинг иштироки катта. Шу билан бирга қонунийлик демократия билан ҳам бевосита боғлиқдир. Халқ давлат ҳокимиятини ўзи ишонч билдириб сайлаётган депутатлари, мамлакат Президентини, ҳокимият ва бозор учун органлари орқали идора қилади. Қонунийлик, демократик тартибларга бўйсунини талаб қилади. Демократик тартиблар ўз навбатида қонунийликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда асосий шартга айланади.

Ҳокимиятда қонунлар билан кишилар ўртасидаги турли иқтисодий муносабатлар тартибга солина экан, қонунларни ҳаётга тўғри қўллаш учун қонунийлик тегишли усуллар орқали амалга оширилиши керак. Бундай усуллар давлат томонидан белгиланган бўлиб, қонунийликнинг амалга оширилишига кафолатларни ифода қилади. Ўз навбатида бу кафолатлар Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг ҳуқуқий ҳаётдан тарабиялаб, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш ишларини яхшилашга хизмат қилади.

ҲАМКОРЛИК
РОБИТАЛАРИ
ҚЎШМА КОРХОНА
ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тери ошлаш билан шуғулланадиган «Равел» Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонаси хоҳловчиларни яхшигина маош тўланадиган ишга таклиф қилди. Уни Қўрғонтепа туманидаги Хонобод шаҳри ишбилармонлари ва туркиялик бизнесчи Ҳамза Кешкуш ташкил этган.

Қўшма корхона цехларида ҳар кун икки юзтача тери ошланади. Бунинг учун хомашё Қирғизистон ва Тожикистондан сотиб олинади. Тайёр маҳсулотлар аса, ҳозирча зарур машина-ускуналарга ва халқ истеъмоли молларига алмаштириш учун Туркияга жўнатишмоқда. Корхона ишлаб турибди, айна пайда янги биналар жадвал қилинмоқда, улар тез орада фойдаланиш учун тоштирилади. Бу ерда кўнчиликлан ташқари чарм кўрткалар ва пойабзал ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Тери ошлаш ҳам йўлга қўйилди. Ишчилар сони эса 500 кишига етади. Янги цехлар ишга туширилган, бўшаб қолган биналарда мебель цехи жойлашди, бу ерда хонободликлардан яна 50 киши иш билан таъминланади.

(ЎзА мухбири).
Андижон вилояти.

ЭШИТМОҚДА
ДЕМОНСТРАЦИЯ

ИТ ВА МУШУҚ УРНИГА... КАЛТАКЕСАК

КИРОВ шаҳар хонадонларида ит ва мушук ўрнига калтакесак асраш одат тусига кириб борапти.

БЕХОС кўзи тушган кишининг этини жун-жайданган бу судралувчи жонивор яхшигина санитар экан. У ўқонбошино уй хоналарида чарқон югуриб, суваруагу турли хашаротларни териб еркан. Энди уй бекалари ҳар хил зараркунда ўрмаловчиларга қарши дори сотиб олиш ташвишидан халос бўлишдан ташқари, тез кўпаядиган калтакесаклар болаларни пуллаб, яхшигина даромад кўришипти.

ЎЗИНИ ТИМОСХНИНГ ОҒЗИГА ТАШЛАДИ

КОТ-ДЕ-ИВУАР фуқароси республика Президентини Феликс Уфуз Бувайи вафот этганини эшитиб, ўзини тимосхога эм қилди.

«МИЛЛАТ отаси қаза қилган экан, мендек оддий фуқарога бу ёруғ дунёда яшаш ҳаром» деди-ю, 25 ёшли йигит тимосхолар гиж-гиж бўлган ҳавога ўзини отди. Баҳайбат жониворлардан бири ханг-манг бўлиб қолган оломон кўз олдида йигитни аввалги думи билан уриб, ҳушидан кетказди ва ўткир тилми жағлари орасига олганча, лойқа сув остига шўнғиди.

ЖАСАДЛАР... СУНЪИЙ ЭКАН
ЧИЛИДАГИ Писагуа шаҳрининг машҳур пляжига келган одамлар, бу ердаги ноҳус манзарани кўриб даҳшатга тушдилар.

МАҲАЛЛИИ аҳоли ва сайёҳларнинг сезимли жойи бўлган пляжда бир эркак билан бир аёлнинг жасади қилқизиқ қонга беланиб ётарди. Бу ерда етиб келган миришаблар мазалини ойдинлаштирдилар. «Жасад»лар полимер ашёдан ясалган бўлиб, қизил бўёқ билан чаплаб ташланган экан.

Орадан уч кун ўтиб, «жасадлар эгаси» топилди: бу Сантьяго университетининг икки талабаси ясаган «бадий асар» экан.

БИР ҚУТИ ЧОЙ ИЧИДА... МОТОЦИКЛ

КРАСНОЯРСК ўлкасининг Новокубанск тумани фуқароси дўкондан чой сотиб олиб, бир йўла мотоциклини ҳам бўлди.

ЧОЙ ичидан чиққан махсус хатда қўйилган сўзлар инглиз тилида ёзиб қўйилган экан: «Ушбу чойни харид қилган кишини янги фирманинг Москвадаги ваколатхонасида «Хонда» маркали мотоцикл кутайди».

Энди Новокубансклик омадли киши Москвага етиб борса бас, қайтишда текин мотоциклини миниб келаверади.

БУЗУҚ СОВУТНИЧ БАХТ КЕЛТИРДИ

АҚЛИИ одам дўкондан бузуқ совутнич сотиб олиш йўли билан бойиб кетгани мумкин экан.

ДЭРЖИНСКЛИК бир фуқаронинг 110 минг рублга сотиб олган «ОКА» совутничи бузуқ чиниб қолиб, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш шаҳар бўлими орқали судга мурожаат этди. Натижада харидорнинг келтирилган зарар 300 минг рубл тоvon тўлови, 12 минг рубль жарима тарзида ундириб берилди. Бундан ташқари харидор етказилган маънавий зарар учун яна 100 минг рубл олди. Шундай қилиб, бузуқ совутнич унга 302 минг рубл соф даромад келтирди.

ГУМРОҚЛИК

БЕВА аёл билан унинг қизининг кўп йиллар давомида сехржоду амали билан шуғулланиб келганлари нияҳот ўзларининг бошларига етди.

ҲИНДИСТОННИНГ Биҳар штатидаги Пендирсой қишлоғида бир йўла бир неча кишининг табий ўлим туфайли ҳаётдан кўз юмганини бечора она-боланинг фожиали ҳалокатига сабаб бўлди. Ҳамқишлоқларининг табий ўлимига шу икки жодугар айбдор деб топган аҳоли уларни тириклайин кўмиб юборишга қарор қилди ва ҳукми ижро этди.

МАСАЛАН, кўрғазмадан ўрин олган Ядро физикаси институтида Олмалик кон-металлургия комбинати чиқиндиларидан соф теллур ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги қўнчилиқнинг диққатини ўзига жалб қилди. «Радиоэлектротехприбор» концерни корхоналарида қўлланилаётган ушбу маҳсулот йилга 100-150 миллион сўм иқтисодий фойда бермоқда. Бу маҳсулотга АҚШ, МДҲ давлатларида ҳам талаб катта бўлиб, бир кило 1100 доллардан солинади. Еки «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «ФИАН» илмий-муҳандислик марказида яратилган медицина стерилизаторлари йилга 5 миллион долларни тежаш имконини берилади. Шунингдек, электроника институтининг олимлари яратган ўта қаттиқ ва юмшоқ материалларга электронизион усулда ишлов бериш дастоғи, «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг кибернетика институтининг яратилган конвейер линияларида автоматик ҳисобга олувчи компьютерлашган комплекс ва бошқа ўнлаб илмий ишланмалар республикамизга катта иқтисодий фойда берилади.

Кўрғазма ташкилотчиларининг эътирофи эътиборларча, «Инновация-94»нинг асосий мақсади олимлар ва ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш вакиллари эътиборини ички ва ташқи бозорда рақобатлаш олдидан маҳсулотлар тайёрлашга қаратиш, хорижий давлатлар билан узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорлик ўрнатилган иборат. Кейинчалик бу кўрғазмани олимлар яратган янги техника ва технологияларнинг тарғиб қилиниши илмий-техник ишланмаларнинг доимий савдо-кўрғазмасига айлантириш мўлжалланмоқда.

Юсуф БЕКМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бандихонда ҳоким ўзгарди

Халқ депутатлари Бандихон туман кенгашининг сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Н. Даминов аризасига биноян туман ҳокими вазифасидан озод этилди. Республика Вазирлар Маҳкамасида катта эксперт лавозимида ишлаб келган Х. Йўлдошев Бандихон тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда туманда иқтисодий ислоҳот суси бораётгани, саноатни қишлоққа келтириш, қўшма ва кичик корхоналар очиб, мулкни хусусийлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш пайсалга солинаётгани таъкидланди. Йилнинг пахта тайёрлаш режаси бажарилмаган бўлса-да, бақарилди деб, ҳаммаёққа жар со-

линди, 400 тоннадан зиёд пахта қўшиб ёзилди.


Туманда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилди. Айрим қорамолчилик фермалари номингагина ҳисдорлик жамаиятларига айлантирилди. Маориф, медицина соҳаларида ҳам камчиликлар мавжуд, Ансарият мактабларида ўқиш икки сменада олиб борилади. Бошланғич синф ўқувчиларига бепул нонушта бериш тўғрисидаги Президент Фармони тўлиқ бажарилмапти. Қишлоқларни газлаштириш, аҳолини тоза сув билан таъминлашда кўп иш қилиниши керак.

Сессияда Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Норалиев сўзга чиқди.

Урганч қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг экспериментал цехи конструкторлари ем-хашак йиғиштириданга агрегатининг янги намунасини яратти. Ҳозир корхона маҳсулотларини Россия, Қозоғистон, Туркменистон республикалари харид қилапти.

СУРАТДА: цех бошлиғи Юсуноб Шакиров (чапда), токарь Амин Қозоқовлар янги маҳсулотни кўздан кечиряёптими.

Д. АБДУРАИМОВ тасвири.



ИЛГОР ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ БОЗОРИ

ИННОВАЦИЯ—94 КўРГАЗМАСИДАН РЕПОРТАЖ



СУРАТДА: кўрғазма залидан лавҳалар. Ш. ИВРОҲИМОВ олган сурат.

Ўзбекистон республикаси Фан ва техника давлат комитетида илмий-техник лойиҳалар танлов асосида ва инновация фаолияти бўйича яратилган янги техника, илгор технологиялар, курилиш ашёлари, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланишга мўлжалланган асбоб-ускуналар ҳамда компьютерлаштирилган тизимлар «Инновация—94» кўрғазмаси намойиш этилди.

Қарий 70 та илмий муассасаларда яратилган 280 га яқин экспонатлар кўрғазмаси илмий-техник лойиҳалар билан илгор техника ва технологияларнинг ўзига хос бозори деган таассурот уйғотди. Бу белиз эмас. Кўрғазмада расмий таъриф қилинганлардан ташқари вазириллар, илмий муассасалар, илмий-техник марказлар, ўз ишлаб чиқаришини фан ютуқ-

лари асосида ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган катта ва кичик корхоналарнинг раҳбарларини, турли муассаса ва ташкилот вакиллари учратиб мумкин. Бу ерда таъриф бурганларнинг экспонатлар олдидаги қизгин суҳбатларидан ушбу кўрғазманинг шу пайтгача ўтказиб келинган фан ва техника ютуқлари кўрғазмасидан тубдан фарқ қилиниши сезиш қийин эмас.

Республика Фан ва техника давлат комитети раиси Н. Юсуфбеков мамлакатимизда биринчи мартаба ўтказилаётган «Инновация—94» кўрғазмасининг аҳамияти, унинг қатнашчилари тўғрисида шундай дейди:

— Матлубки, республикамиз Президентини Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг февраль ойидаги йиғилишида сўзлаган нут-

қонда қишлоқ хўжалигини, жумладан, деҳқончиликни ривожлантиришга фан ва техника ютуқлари сустанки билан жорий этилаётганлиги тўғрисида ҳақли эътирозлар билдирган эди. Ушбу кўрғазма ана шу танқиддан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, фан ва техника ютуқларини халқ хўжалигининг барча соҳаларига жалб этишни тежаштириш мақсадида ўтказилаётган тадбирлардан бири дейиш мумкин. Кўрғазмадан республикамиз иқтисодий-иқтисодий тараққиётининг устивор йўналиши бўлган агросаноат комплексининг интенсив экологик хавфсиз технологиялари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, сақлаш, ёқин майдонларнинг агротехник ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, аҳолининг дори-дармонларга бўлган талабини қондиришга қаратилган, мавжуд ресурсларни тежаш имкониятини берувчи янги илмий-техникавий ишланмалар натижалари ўрин олган. Ана шу илмий излашлар маҳсулини халқ хўжалигига жорий этиш мақсадида уларни йирик корхона ва муассасаларнинг ишлаб чиқаришга тасвир этиш, олимлар, саноатчилар ва ишбилармонлар ўртасида янги алоқалар ўрнатиш кўрғазманинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Кўрғазмада Ўзбекистон Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, Олий таълим, Соғлиқни сақлаш қабил бир қатор вазириллар, «Академприбор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси (НИЧВ), «Физика—куёш» НИЧВ, ЎзФА иссиқлик физикаси бўлими, Электроника, Ядро физикаси, Усимлик моддалари химияси ва бошқа бир қатор илмий-тектириш инсти-тутлари, Тошкент давлат дорилфунуни ва техника дорилфунуни, Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг пахтачилик, галлачилик, шолчилик илмий муассасалари қатори «Химавтоматика», НИЧВ, «Узэлектротрапарат», «Хлопкопром» каби бирлашма ва бошқа корхоналарнинг лойиҳалаш-конструкторлик бўйралири, шунингдек «Тегирмон», «Экохимприбор» каби кичик корхона ва илмий марказлар, «Виртех», «НИКА» қўшма корхоналари ўзларининг илмий ишланмалари билан қатнашмоқда.

Кўрғазманинг Усимлик-шунослик илмий тадқиқот институтининг экспонатлари қўйилган бўлим одамлар билан гавжум. Ушбу институт раҳбари Йўлдош Узоқов республикамиз ша-роитида янги ўстирилаётган, ширинликда шакардан 150 баробар устунлигига эга стевия ўсимлигининг биология хусусиятларини шундай таърифлайди:

— Стевия Тошкент ва Фарғона вилоятининг бир қатор туманларида ўстирилади. Унда озиқ-овқатларга ширин татм берувчи модда сифатида фойдаланилмоқда. Жумладан, Чортоқ таъриба заводида компотлар, ширин ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси стевияни қўлтириш ва шу асосда турли ширинликлар, чанковосди ичимликлар, пельменче ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш ҳақида махсус фармойиш чиқарди.

Шунингдек, бу бўлимда намойиш этилаётган мансар (сафдор) ўсимлигининг лалим ерларда кўп меҳнат ва сарф-харajat талаб қилмай ривожланиши иштирокида катта қизиқиш уйғотди. Ҳозир у Тошкент, Андижон, Самарқанд вилоятларининг лалим ерларида ўстирилмоқда. Бу ўсимлик уруғининг ётилиш даражаси 30—40 фоиз. Ундан олинган ёр сифати зигир ёғидан фарқ қилмайди. Айниқса, унинг гулдани олинган ранг озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган бебаҳо хомашё ҳисобланади.

Республикамизнинг узоқ йилволарида меҳнат қилган чўпонлар, чўду-бег-

болларда қидирув ишлари билан банд бўлган геологлар ва шу каби сув, нефть маҳсулотлари, электр қуввати олиб бориш қийин бўлган жойларда ишлаётганлар учун қўлайлик яратишга мўлжалланган куёш нуридан электр қуввати яратувчи қурилма кўпчиликнинг эътиборини тортиди. Уни ЎзФАНнинг электрон институтининг олимлари яратган.

— Ушбу қурилманинг қўлайлиги шундаки, уни лозим бўлган жойда, ҳар қандай шариотда ҳам ўрнатиш мумкин, — деди катта илмий ходим Борис Абдураҳмонов йиғилганларнинг саволларига жавоб бера экан. — Қурилма ҳар қандай об-ҳаво шариотда ишлашга мослашган. Неч кириши билан аккумулятордан электр қуввати йўналтирилади. У олти кишилик хонадонни электр нури билан таъминлайди. Қурилма марказий Қорақум, Туркменистоннинг Копет-Дог тоғ олди яйлосларидаги синоволардан мўваффақиятли ўтди. У гидрометеорология кузатув нуқталарида ишлатилганлар, отарлардаги қудуқлардан сув чиқариш ҳамда узоқ юйларда иш олиб борувчи алоқачилар учун ҳам ўта қўлай. Ҳозирча, бу қурилма буюртмалар миқдорига биноян институтимизда ишлаб чиқаришмоқда. Неларжақда эҳтиёжмандларнинг қўпайишига қараб, ишлаб чиқаришни кучайтириш режаларимиз бор.

«Академприбор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, профессор Садулла Вахромов сабавотларни инфраниз нурлар ёрдамида қуришти, меваларни музлатиш йўли билан сақлаш, 500 кило-ватгача қучланишга эга бўлган моторларни қувиб келтишдан муҳозафа қиливчи қурилма, инсон қонини лазер ёрдамида 1—2 дақиқада текшириб беришчи анализатор, куёш иссиқлигиндан электр қуввати олиб 45 метр чуқурликдан соатига 1,5 минг литр сув чиқарадиган моторга куч берувчи қурилмаларни қиёзқувчиларга шарҳлаб берди.

Кўрғазма ташиқлотчиларининг эътирофи эътиборларча, «Инновация—94»нинг асосий мақсади олимлар ва ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш вакиллари эътиборини ички ва ташқи бозорда рақобатлаш олдидан маҳсулотлар тайёрлашга қаратиш, хорижий давлатлар билан узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорлик ўрнатилган иборат. Кейинчалик бу кўрғазмани олимлар яратган янги техника ва технологияларнинг тарғиб қилиниши илмий-техник ишланмаларнинг доимий савдо-кўрғазмасига айлантириш мўлжалланмоқда.

Юсуф БЕКМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАВЗИ КАВСАР

ШАНБА УЧРАШУВИ

• Минг бир ҳикмат

Фарзанд парвариш қилмоқ зикрида



ДАНАГИДАН МАЪЗИ ШИРИНА Н. МУҲАММАДЖОНОВ тасвири.

Эй, фарзанд, агар фарзандинг бўлса анга яхши от қўйил, нединким, отдан фарзанд ҳақларида бири, унга яхши от қўймоқдур. Яна бири улдуриким, фарзандни оқил ва меҳрибон доғларга топ-шургайсан. Суннат қил-дур вақтида суннат қил-гайсан, кудратингга лойиқ тўй ва тамоша қилгайсан ҳамда ўқини ўргатгайсан. Улуғроқ бўлгондан сўнг, агар раият бўлсанг, унга хунар ва касб ўргатгайсан, агар сипоҳ ахлидин бўлсанг, сипоҳ илмин ўргатгайсан. Буларни билгондан сўнг шиноварлик, яъни сувда юз-макни ўргатил.

Бас, керакдурким, ҳар турлик фазл ва хунарни фарзандингга ўргатгайсан, то оталик шафқати шартин бажо келтурмиш бўлгайсан. Киши бошига на иш тушарин билмағусидир.

Фазл ва хунар ишга яра-ғусидур.

Фарзандга адаб, хунар ўргатмакни мерос деб бил-гил. Агар сен хоҳ унга адаб ўргатил, хоҳ ўргат-магил турмуш машаққат-ларининг ўзи унга ўргату-р. Ундоким дебдурлар, ота-она тарбияламаса, кеча ва кундуз уни тарбия-лайдур.

Бас, фарзандингга ҳар на ўргата олсанг ўргат-гил, унинг фойдаси сенга ҳам етишур. Аммо фар-зандинг балогатга етгон бўлса қўйил, унинг оила бошлиғи бўлмоққа, хотин олмоқ ва рўзгор ишла-рига машғул бўлмоққа салоҳити бўлса, сен у-га хотин олиб бергил, токи шу билан сен унинг бу ҳа-қин ҳам бажаргон бўлгай-сан. Лекин агар ўғлингни уйлантирмоқ ва қизингни эрга бермоқ тиласанг зин-ҳор ўз қариндошларинг

била беришиб-олишмагил. Бегонанин хотин олгил, нединким ўз қариндош-ларингдин олмасанг ҳам улар сенинг бида гўшт, қон-дек яқиндурлар. Бошқа қабиланин хотин олгил. Бу билан бир қабилани ик-ки қабилани қилимиш бўл-гайсан, бегонани ўзингга қариндош қилгайсан, то-ки бир қувватинг икки бўлгай, икки тарафинг мададинг ва қумагинг қу-пайгай.

Аммо агар билсангким, ўғлингга надхудо бўл-моқлик ва хотин олмоқ-лик майли бўлмаса, бир мусулмоннинг қизини ба-рога қўймагилки, иккови ҳам бир-бирининг бево-р бўлурлар. Қиз ва йигит-ларни ўз холига қўйил, катта бўлгондан кейин ўзи нима қилса, шундоқ қил-сун.

«ҚОБУСНОМА»дан

Уқини, қизик ЖОНЗОТЛАРИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

ОТ. Унинг гўшти иссиқлик бўлиб метдани кучли қилади, кўз сувини кўпайти-ради. Агарда отнинг сuti исстеъом қилина, киши юз рангини қизил қилади.

ТУЯ. Истиҳсо (сарик сув касаллиги) безовта қилган киши туянинг пешобидан ҳар кун қанда аралашти-риб, қирқ миқол ичиб тур-са, у бутунлай дардан хал-ос бўлади.

ҚУН. Унинг гўштини ис-теъом қилган кишининг ба-данидан куруқлик йочади. Одамда қувват пайдо бўла-ди. Кўз равшанлашади. Агар-да бирор кишини томоғ о-рини безовта қилиб овози бўғлиб қолса-ю, қўйининг янги соғилган сутини озгина солиб гарғара қилса, киши-нинг овози ўз ҳолатига қай-тади.

ҚУЕН. Унинг қони кўз-дан ёш оқин дардида мал-ҳам бўлиб, ёш аса кўз қи-чиси касаллигига даводир.

БУЛБУЛ. Бу хушовоз кучининг суганин ёш бола-нинг бўйига боғлаб қўй-сангиз, у қоронғуда юриш-дан сира қўрмайди. Агар ҳали тили чиқмаган бўлса, жуда бийрон сўзлайдиган бўлади.

ЛАЙЛАК. Заҳар ячган ёш заҳарланган одамга унинг ёш сийр ёш билан қўшиб берилса, ўша киши тиласига заҳар таъсир қил-майди.

МУСИЧА. Юз фалажи дардида йўлдан одам му-сичанин гўштини еса, тезда даво топади.

Б. ОСТАНАҚУЛОВ таълифиди.

• Сиз кутан учрашув: Зикир Муҳаммадҷонов



НИМА БЎЛДИ, КЎЗ ТЕГДИМИ?

— Мустабид тузум дав-рида маънавиятимизга қан-чалик зиён етган бўлса, халқимиз тарихи, ундаг икки ҳисса кўпроқ сохта-лаштирилди. Бунда ёзувчи-ларнинг, театр ёки кино ижодкорларини айбалаш но-ўрин. Узимизку алдандик, тарихимизни сохта ўрга-нишга мажбур бўлдик. Энди фарзанду набиралари-мизнинг алданиб қолиши-га йўл қўймаслигимиз ке-рак. Мен шу ўринда яна бир ҳолатга тўхталиб ўт-моқчиман. Шўро инқилоби-га нисбатан салбий муно-сабатларнинг юзага кели-ши оқибатида, бир пайт-лар ўзбек саҳна усталари ижросидаги кўпгина филь-лар, ойна жаҳонда намо-йин этилмай қўйилди. Ма-салан, «Инқилоб чавандоз-лари», «Осиё устида бў-рон», «Қора консулнинг ҳа-лоқати» ва колхозлашти-риниш даври ҳақидаги айрим фильмлар. Шўро тузуми-нинг салбий оқибатлари-ни, маънавий қатағонлар-ни унутмаслигимиз учун ҳам бу каби фильмларни ахён-ахён бўлса-да кўриб туришимиз керак.

— Зикир ака, яхши бир мавзунинг бошлаб қўйди-рингиз. Эсингизда бўлса, бир пайтлар шўро тузумининг асосчиси, жаҳон пролетари-ятининг доҳиси Ленин бобо сиймосини қўйла-моқ қилиб театрга олиб чиққан эдингиз. Янги-масам, Комил Яппонинг «Йўлчи юлдуз» драмсида эди. Киноларда ҳам у зот-га анча-мулча овозининг сарфлагансиз. Шу сиймо талқинга кетган вақтин-гизга, асабу руҳиятингизга ачимайсанми?

— Русларнинг Михаил Ульянов деган машҳур ак-тёри бор. Москвадаги Вах-тангов театрида ишлайди. У қайсибир бир учрашувда худди шундай бир саволга ўринли жавоб айтган эди: «Ленинни қанчалик қорала-майлик, барибир мен учун ўша образ қимматли». Мен

ҳам ижодкор сифатида 25 йил умримни саҳнада Ленин сиймосини гавдалантиришга сарфладим. Айтганингиздек, фильмларда овозимни айма-дим. Шу образ тўғрисида халққа танилдим. Бугун бу ҳақиқатлардан ўзи ўйиб, ёмонлашга тушсам, инсоф-дан бўлмас. Ўтмишга тош отишдан кўра, эртанги кун-нинг ташиши билан, хато-ларни такрорламаслик ҳа-ракатига яшамогимиз хай-ли қўринад.

— Сизнингча, театр билан халқ ўртасида содир бўлган сунъий деворга асл сабаб нима?

— Театрларимиз бугун кишини жиддий ўйлашга ундайдиган аҳволда. Томо-шабинлар камайиб борапти. Хўш, нега? Эсимда, «Ҳам-за» театрига бир пайтлар одам ситмасди. Абдулла Қаҳ-ҳор асарлари саҳнага қўйил-ганда кишини патта топи-шолмай, уч-тўрт куллуб на-бат куттиларди. «Тобутдан товуш» асари бугун шаҳар-да катта шов-шув бўлиб ке-тган. Кўп елб-югурчилардан кейин «Сунгити нуҳса»лар но-мини билан қайта саҳналаш-тирганми. Асар «олиб» та-ланган кунлари ҳам театри-мизга томошабинлар оқиб келавернишган. Эҳ, ўша дамлар! Томошабинларнинг «қўлпининг кўриб, азбаройи хурсандлигиндан бир кунда уч маротаба саҳнага чиқсанг ҳам чарчамас эдинг.

— Зикир ака, менимча, бир ҳақиқатни очиб тан ол-гингиз келмапти-ё! Театр-нинг халдан узоқлаша бошлаганига 40—50-йил-лардаги Аббор Ҳидоятов, Олим Хўжаев, Шукр Бур-хон, Обид Жаллолов, Миршо-хид Мирроқилово, Тожиқон Султонов, Сора Эшнотўрае-ва, Луффулла Нарзуллаев, с-янгири истеъод соҳиблари-нинг бугун «Ҳамза» театри саҳнасида йўлчи эмасми-кан?

— Тўғри, сиз санаб ўтган ижодкорлар театрларимизнинг

юраги, фахри бўлган. Ле-кин бугун жамоамизда Ёқуб Аҳмедов, Ёлдор Саъдиев, Эркин Қомил, Ҳожиқабар Нурматов, Сайёра Юнусова каби уларнинг шоғирлари меҳнат қилишмоқда. Ахир халқимизда мақол борку «От ўрнини той босар» деган. Сунъий деворга асосий са-баб яхши асарлар йўқлигида.

Хўш, сизнингча, бугунги куннинг қаҳрамони ким? Ишбилармонми? Фермерми? Ҳокимми?..

— 1987 йили яратилган «Генерал Раҳимов» фильми-да бош ролни ижро этгансиз. Эшитганимизча, ўша пайтлар маҳаллада сизни узоқдан кўришса: «Ана генерал ке-лапти» дейишаркан. Шу фильм ҳақида икки оғиз тўх-талсангиз?

— Ҳа, генерал Раҳимов сиймосини яратиб осон бўл-маган. У киши ҳақидаги ма-қолалар, ҳужжатлар билан батафсил танишиб чиқшим-га тўғри келган. Генерал-нинг шахсий шифокори бил-дан қайта-қайта суҳбатлаш-ганман. Фильмни суратга олиш жараёнида бир неча қаҳирим яёв юришга тўғри келган (худди кинодагидек). Суратга олиш жараёнида режиссёрга бирор ҳаракат ёрмай қолса, ўшани ўнлаб маротаба қайтаришга тўғри келарди. Айтаялик, гене-ралнинг ботқоқликдан ўтиш ҳолати. Икки қадам юрма-сингиздан тизангизгача ботқоққа кириб кетасиз, шу пайт юз-кўзингиздан Болтиқ пашшалари «бўса» олади. Оёгингиздаги этик лойга-лиқ тўлади. «Яна чикмади» дейди, режиссёр қўл силтаб. Ҳаммасини қайтадан бош-лайсиз...

— Бугун қандай ўй-таш-вишлар билан бандсиз?

— Фитратнинг «Абул-файзон» асаридаги Ибро-ҳим Иноқ сиймосини саҳнага олиб чиқиш устида ишлап-ман. Бўш пайтларимда ай-толбар ўқийман, шаҳар ҳарриятларида кириб жур-налист усталар билан театр-нинг порлоқ келажак ҳақи-да даррлашган бўлман. Адилбаримизнинг шу куннинг гапи битилган асарлар қў-тиқлаб театримизга «Ассало-му алайкум», деб кириб ке-лишини кутаман.

«Халқ сўзи» муҳбири Ш. ҚАРИМОВ суҳбатлашди.

• Мурувват

Даромадга яраша, буромад-да!

Ургач ёр-моё ҳиссадор-лик комбинати ичиси Сам-андар Матназаров бир зумда нақд миллион сўм-нинг соҳибига айланган. Бундай миқдордаги катта пул учун бошқалар на-мидан бир йил ишлашади. Самандар ака бўлса... Иш-чининг қорхонадаги 35 йиллик узлуксиз меҳнат фаолияти шу тариқа таъ-дирланди. Эндиликда Са-мандар ака сингари ке-ксалик пенсиясига узатил-ган ҳар бир пешқадм ишчи-хизматчи бирварака-йига миллион сўмнинг эгаси бўлади.

Хоразмдаги макур пеш-қадм жамоанин ҳиммати шундангина иборат эмас. Тўй ва байрамлар, хайр-саҳоват тадбирларида ўзбекиона бағриенлиги ва меҳр-мурувват намуналар-ини бу ерда яна ҳам ёр-қин кўрасиз. Нарўза ай-ми муносабати билан эса 20 миллион сўмдан зиёд совға-саломлар тайёрланди. Улар қорхона илгорлари, фахрийлар, ногиронлар,

камжарж ва кўп болади он-ларга тақдим этилди. Бундан ташқари комбинат раҳбарлиги қилдирган 191 нафар меҳнат фахрийси-нинг ҳар бирига бир ой-лик маш миқдорда кў-шимча нафақа тақсимлан-ди. Қорхона меҳнатчилари-нинг оилаларида тарбия-ланаётган жижкин фар-зандлар эса бундай на-фақани мунтазам олиш-моқда. Улар учун комби-нат жамағатисидан ойига миң сўмдан нафақа тўла-напти.

Бундай ҳотамтойлик ҳар кимнинг ҳам қўлидан ке-лавермайди, албатта. Аммо ургачлик ёр-моё ишлаб чиқарувчиларга бунинг ма-лол жойи ҳам йўқ. Бойси, қорхона 1993 йилда маҳ-сулот ишлаб чиқариш ҳажмининг орттириш ва таинархин арзонлашти-ш эвазига нақд 1 миллиард 200 миллион сўмлик соф даромад олди. Даромадга яраша буромад, дегани шу-да.

А. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

• Юртимиз янгиликлари

БОЗОР... ҚОЗИФИНИ ТОПДИ...

Андижонда жаҳон бозорига пойдевор қўйилапти

риш ҳақидаги таклифи одамлар жонига аро кир-ди.

Халқимиз азал-азалдан тадбиркорлиғу савдогарли-ги билан шўҳрат қозон-ган. Ота-боболаримизнинг навролини марғибу маш-налар борган. Не ажаб, Андижонда ҳам ке-ласиз, кундузи ишлай-диган бозор қад ростласа, Андижонлик мутахассис-лар Самарқанд ва Ур-ғуч шаҳарларига боришиб, миллин мейморчилигимиз-бир кунлайлиги шундан, ўр-шаҳарнинг халқа йўли шундаки, янги бозор шар-

Султонов ва бошқалар қат-нашдилар. Муҳокамани Ўз-бекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулум олиб борди.

Пингилларнинг асар-ияти рамзий-руҳий йў-налишида ёнган бу ро-маннинг ўзига хослиги, қаҳрамонлар ички дунёси-ни тасвирлашда янги ан-ъаналардан фойдаланилган-лиги асар муаллифининг муваффақияти эканлиги хусусида гапирди. Асар қурилиши, ечимига оид баъзи таклифлар ҳам ай-тилди. Муаллиф асарни кўриб чиқач, нашр этиш-га қарор қилинди.

• Юртимиз янгиликлари

БОЗОР... ҚОЗИФИНИ ТОПДИ...

Утган йилларнинг сояли кунлари нафақат одамлар, балки бозорларимиз тили қўймаганиди. Андижоннинг кўна бозори ҳам бошво-гани йўқотгандек, гоҳ Сойғузлар гоҳ Эски ша-ҳарга кўчиб юрарди. Бу на-ҳоят, бозор яна манзилини ўзгартирди. Одамлар елкадаги юклар-и билан шаҳарнинг уй-созлик комбинати ҳудуди-га боришибди. Янги жой й-доқ эди. Секин-аста пеш-тахталар, темирдан ясал-ган «тайёр» дўноқлар олиб келинди. Бозор одам-лар билан ганкум. Лекин бу ерда савдо-сотик қилиш учун ҳеч қандай шарт-шарт йўқ.

Хайрияти, вилоят ҳо-кимининг бозорнинг шак-ли шамойилини ўзгарти-

қона услубда бўлади. Қад-росланган дўноқлар дав-лат тасарруфидан эмас, мулкдорлар ихтиёрига бе-риб қўйилади. Шунинг учун ҳам режалаштирил-ган 800 та дўноқ хусусий сармоёлар ҳисобига тик-ланаётлар.

13 таноб майдонни егал-лайдиган янги бозорнинг шарқона услубдаги тўрта дарвозаси бўлади. Энди бозор оқимига алоҳида ян-ги автостанция барпо этилади. Бозорнинг яна бир кунлайлиги шундан, ўр-шаҳарнинг халқа йўли шундаки, янги бозор шар-

Халқаро бозор маж-муида навросарой, меҳ-монхона бинолари кўриш ҳам кўзда тутилган. Ҳа, энди келажакни ўйлаб иш тутадиган пайт келди.

Бозорли юрт обод бўла-ди. Унга ўзгача кўз бил-дан қаралган вақтлар ўтиб кетди. Ҳозир вилоят-нинг Избоскан, Бўлоқбо-ши, Шаҳрихон шаҳар туманларида ҳам ав-лолардан авлодларга мерос бўлиб қолгувчи янги бо-зорлар тикланаётир.

Ф. ПОДМОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«Янги кун» қирғиз тилида

қадим Турон замининда бў-лайган ўзаришлар, ян-гиланишлардан хабардор эданди.

Газетанин илк сонидан минтақамиз ҳаётига онд қизиларли мақолалар, шетлар ўрин олган. Шу билан бирга газета саҳи-фаларидан Марказий Осиё Республикаларининг бош нашрлари муҳаррирлари, йирик сёбас ва жамоат арбобларининг билдирган «оқ тил»лари ҳам ўрин олган.

Газета Қирғизистон Республикаси «Учқун» кон-цернида нашр этилган.

Биз ҳам макур газета жамоасини буюк мақсад-лар сари қўйилган илк қадам билан муборакбод этиб, бу шарафли йўлда омад тилаб қоламиз.

Уз муҳбиримиз.

РОМАН МУҲОКАМАСИ

«Шарқ юлдузи» ойнома-си таҳририятида ёзувчи Омон Мухторовнинг «Кўз-гу сениб қолди» деб ном-ланган янги романи му-ҳокамаси бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва адабиётшу-нослардан Саид Аҳмад, Ғўли Қошимов, Нелима Аминов, Тоҳир Малик, Умарали Норматов, Ма-шраб Бобоев, Эркин Аъза-мов, Раҳмон Қўқор, Му-роджон Мансуров, Исажон

ТАЛАБАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Жиззахда Алишер На-воий номидаги Ўзбеки-стон Давлат мунофотининг совриндори, шоир Барот Войкобилов билан учра-шув бўлиб ўтди.

Учрашувда сузга чиқ-тир Ўзбекистон ФА мух-бир аъзоси Азиз Қай-мов, филология фанлари доктори Ориф Усмои ва берди.

ТАЛАБАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Жиззахда Алишер На-воий номидаги Ўзбеки-стон Давлат мунофотининг совриндори, шоир Барот Войкобилов билан учра-шув бўлиб ўтди.

Учрашувда сузга чиқ-тир Ўзбекистон ФА мух-бир аъзоси Азиз Қай-мов, филология фанлари доктори Ориф Усмои ва берди.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

• ТЕЛЕФОНЛАР:
матбуот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Набатчи муҳаррир —
Ж. Сафоев, набатчи
Р. Аҳмадалиев.

Бош муҳаррир: Анвар ЖҲАБОВЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЯҚУЗИЕВ, Эсирған БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»),
Эркин ВОҲИДОВ, Мирқамол МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДИНОВ (бош муҳар-
рир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное
слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Кулҳақд РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ
(масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ДҲЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ,
Муҳаммадҷон ҚОРАБОВЕВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

Муассислар:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.